

Ёшлик, талабалик, ошиқлик... Бу йиллар шоирни ҳам ҳаётда, ҳам сўзда тоблади. Илму ҳикмат оламга етаклади. Энг муҳими, умр йўлида вақтнинг қадрига етишга, лаҳзанинг, дақиқанинг моҳиятини англашга ўргатди. Кишлоқ фарзанди, тоғ боласи учун ҳаёт йўли сўқмоқдан, чинор умри майсадан, шалола завқи шабнамдан бошланса не ажаб?

Ўткир Раҳмат сайланмасининг иккинчи жилди "Оҳанглар ранги" номи билан очилади. Оҳанглар ранги – чиройли топилма. Аммо, оҳангда ранг кўриш учун қалб кўзи билан боқиб, қалб қулоғи ила тинглаш жоиз. Оҳангда ранг кўриш – бу нафақат гулу гулзорга, ям-яшил чаманга, ҳазонга ҳам ҳайрат кўзи билан боқиб, қалб қулоғи ила тинглаш жоиз. Оҳангда ранг кўриш – бу нафақат гулу гулзорга, ям-яшил чаманга, ҳазонга ҳам ҳайрат кўзи билан боқиб, қалб қулоғи ила тинглаш жоиз. Оҳангда ранг кўриш – бу нафақат гулу гулзорга, ям-яшил чаманга, ҳазонга ҳам ҳайрат кўзи билан боқиб, қалб қулоғи ила тинглаш жоиз.

Изоладим боғдан ҳам,
Йулаклардан ҳам,
Ҳазонлар ўрнида майса ўрмалар,
Сепини ёйганча уйғонган кўклам,
Кўксига бош уриб қайтди

турналар.
"Курей-курей"лаб, гўеки осмонни ҳам авайлаб, беозор учиб ўтаётган турналарни пойнингиздаги заминда юз очган кўкларнинг кўксига бош уришини тасаввур қилсангиз, ўзингиз ҳам зумда шоирга айланиб қоласиз. Бир сатр димоғингизга тупроқ ҳидини, майса исини олиб келади, кўз ўнгингизда Ватан сурати чизилади. Сиз кўклам оғушидасиз, гўзаллик оғушидасиз.

Чунки:
Ҳазорез кунлар ҳам ҳали олисда,
Баҳорги офтоб ҳам шошар
кўйлақчан.
Чорбоғда дарахлар боқиб
минг тусда
Булуллар тикилар
жуда ҳам ўйчан.
Булулларни ўйчан кўра билиш
ҳам шоир нигоҳида балққан топилма.
Тонг куёши лаб босса нафақат бу олам, "баргдайин бағир"
ҳам офтобланади, нурланади. Бехитиёр, тилга хиргойи келади, олам кўклам рангида, демек, қал-

Бошланғичи 1-бетда

бингизда жаранг топаётган оҳанг ҳам рангин.
Яна китоб варақлаймиз. "Пуштиранг" саҳифаси юз очади.
Уйқусидан уйғонмай ҳали
Тушлар кўра тонги шабнамлар.
Оловлар шафтоли гули
Рангин маъво бахш этган дамлар.
Оловланган шафтоли гулига боқиб, беҳитиёр қалб оловланади, шоир тили билан айтганда лабларидан шитоби сачраб турган сойга хаёлан эргашиб кета-

кўнгилаб шабнамларини оқаётган умр сувиға менгзаш мумкин. Оқаётган умр...
Оҳангларда оқади умр,
Ҳар зарбаси – юрак титроғи.
Ҳоҳида дил қилади хузур,
Тўкилади гоҳи япроғи.
Кўнглингиз дарахтидан учиб тушаётган япроқни кафтингизга олганмисиз? Ҳали томирида умр суви оқиб турган япроқ, Бу япроқ еллар елкасида ўз оҳанги билан учиб тушапти. Ажаб, умр суви-

Шоирнинг даъвати хайрли, нури. Зимдан боқиб ҳам инсоннинг чиройли чеҳраси борлигини кўриш мумкин. Лекин, бир зумда гуллар каби чиройли кўнглини кўриш анчайин мушкул. Чунки, кўнгли ҳар чехрада ўз чиройини кўз-кўз қилавермайдиган тилсим. Агар шоирона ҳаяжон ила лутф қилсак, кўнгли қулоғига шабнам бўлиб шивирламоқ, қулфига гулдан калит солмоқ керак. Чунки, гулга очилмайдиган кўнглининг

Бунча сирли бўлмаса олам,
Вужудда соҳир ҳаяжон.
Ҳақлоқдай тамшаниб шу дам,
Жилмаёди куртакларда жон.
Шоир шеър шарҳлашдан ийманди. Гулга гулгилгини, нурга нурлигини айтиб ҳаяжонга солиб бўлмайди. Дил-дилдан тан олган эътирофимиз шундаки, том маънода Ўткир Раҳмат лаҳзалардаги дардни, қувончни, кўзи илганган гўзалликни сўзда ловуллата олган шоир. Яна мен Ўткир акани меҳр меҳробига тиз чўкиб, хуш тилакларга қафт тутиб ўтирган фидойи ака, оға тимсолида кўриб қувондим, энтиқдим. Шу ўринда азиз китобхон шоирнинг "Укамга" шеърини ўқишини истардим. Ёки "Рух билан ёлғиз" шеъри поёнидаги:

Онам бўлиб гапир, синглим-а,
Онам бўлиб чақир, синглим-а,
сатрларидидаги жигар чорлови беихтиёр ўқувчига меҳр кўзгусини, муҳаббат кўзгусини тутди. Онанинг чорлови ҳар бир фарзанд учун азгуликка чорлов, имонга чорлов, тинчликка чорлов. Инсон нафақат бахтининг, саодатининг, умр йўлларидида олаётган ҳар бир нафасининг, ҳар бир лаҳзасининг шукрини қилолса, демек ўзи ўзидан рози. Бу розилик замирида Яратганини ризо қилиш илнжи ҳам мавжуд.

Мен Ўткир Раҳмат сайланмасини ҳузур қилиб ўқиб чиқдим ва шукр қилдим. Шукрим шундаки, шоирнинг бетимсол ранглар жилосидаги қалб оламига, кўнгли дунёсига бўйлаш насиб этди. Бунга юракнинг юракка тутган нурига менгзаса бўлар. Бу сўздаги дийдор. Шоир ўзи айтмоқчи:

Дўстгинам, дийдорнинг
йўқдир баҳоси,
Баҳона топмоққа излама фурсат.
Кўнгли кўчасида баҳор ҳавоси,
Ҳозирча соғиниб кўришиб

турсак.
Ниятимиз, ушбу сатрлардаги самимий истаклар узоқ-узоқ йиллар, яна кўллаб қутлуғ-қутлуғ ёшларда ҳам насиб этверсин. Чунки ардоқли шоир, фидойи муҳарриримиз каби лаҳзаларни сўзлар сеҳрида ловуллата олса, бундай дийдорга кўнгилар ҳар лаҳза ташна.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЛАҲЗАЛАР ЛОВУЛЛАР СЎЗЛАР СЕҲРИДА



сиз. Сиз билмайсиз, сизни етаклаётган инжа туйғу, мафтункор наво – бу гулларнинг ранги, бу майсаларнинг шивирини... Ана шу Яратган ато этган гўзалликни, рангин оламни асири бўлган одам тилда ошиқлик даъво қилмай туриб, ошиққа айланади. Аслида сиз хаёл бобидасиз. Сизга бу туйғунини шоир юқтирди, лаҳзада юз очган гўзаллик тавсифида шоир топган ташбеҳ кўнглингиз торини чертиб юборди.

"Кўнглини ёзда ёмғир соч тараб" сатрини ўқийсиз-у, ёмғир сизнинг кўнглингиз осмонидан ёғаётганига ишонасиз. Гоҳ орзунини, гоҳ армоннинг сочини тараб ёғаётган ёмғир нақадар ҳаётбахш. Ахир, ҳар томчида ҳаёт бор, ошиққа олқиш бор. Қолаверса, ҳар томчи ёмғир илдининг умри, ҳаёт кўшиғи. Томчининг кудратини – бу лаҳзанинг кудратини.

Агар бу томчи кўзлардан юмаласа юзлар рангланади. Сиз ўз юзингизда ўз кўнглингизни, ўз дардингизнинг рангини кўрасиз. Ошиқнинг ранги – бу лафофат ранги... Балки кўзлардан томган

нинг, умр оҳангининг Ватани қайда? Бу саволга жавобини ҳам Ўткир Раҳмат сатрларидан излайсиз. Шеър шундай яқун топади:
Юрак – оҳанг тугилган Ватан,
Ўз-ўзини тинглайди одам.

Савол бермоқда савоб бор. Чунки, биз бу дунёга сўрагани келганмиз. Аммо, жўяли жавоб олиш бахти ҳар савол соҳибига ҳам насиб этавермайди. Оҳанглар оғушида кетиб бораётган одам "Юрак – оҳанг тугилган Ватан" сатрини такрор ўқиганда, беихтиёр, дилдан: "Бу менинг шоирим", деган нидо отилиб чиқса ажабмас...

Инсон зотининг тасаввур олами чексиз, хаёллари поёнсиз. Яратганга, ҳаётга ошиқ шоирни уқмоқ учун оламга ҳам унинг қалб кўзи билан боқмоқ жоиз. Шунда инсон майса билан тиллашади, сув билан сирлашади, гулларни тушуна билади.

Ажабмас,
Бир кунни хаёллар тинар,
Тушуна бошлайди гулларни улар.
Кўнгилар боғида чечаклар унар,
Гул каби чиройли бўлар кўнгилар.

қулфи тошдан бўлади. Унга шабнам шивирини кор қилмағай. Нима бўлганда ҳам биз шоирга кўшилиб барча кўнгиларни гул каби чиройли бўлишини баралла айтгимиз келади.

Шеър ўқимокдан муддао ҳам гўзалликка ташна дилларга гўзаллик оби-ҳаётини тутти. Бундай оби-ҳаёт қалбни қанотлантиради, тафаккурни товлантиради, имонга оро, ақлга ором беради. Чунки, Аллоҳ гўзал, қалби гўзал бандаларини хуш кўради. Поклик – гўзаллик илдизига умр бахш этувчи жон чашмасидир. Шеър эса покиза туйғулар дарахтидан тўкилгучи қалб япроғи...

Назаримизда китобнинг ҳар бир саҳифаси шоирнинг орзу-армонидан шивирлаб тургандек. Ташбеҳлар энтикан дил туттаётган малҳамдек. "Мовий", "Заъфар", "Қаҳрабон" – бу бўлимларда китоб саҳифаларига нур сочиб турган шеърлар зукко шеърхоннинг нигоҳига интиқ. Закий адабиётшунос олимнинг таҳлилларига ташна. Чунки, бу шеърларда ҳаёт ранги бор, қалб оҳанги бор.

ИСЛОҲОТЛАРГА ДАҲЛДОРЛИК САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Давлат дастурларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини ўрнатил: журналист масъулияти ва ҳуқуқлари" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Анжуман

Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад – журналистларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда янги инновацион технологияларни ёритишнинг замонавий услубларини тақлиф этиш, маҳорат дарслари, тренинглари ва медиа-турлар ўтказишга қаратилган.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган анжуманда вилоятлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Вазирлар Кенгаши, ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий босма ОАВ таҳририятлари бош муҳаррирлари иштирок этмоқда.

Лойиҳа иштирокчилари учун Зангиота туманида жойлашган "Highway Logistics" логистика маркази ҳамда трикотаж маҳсулотлари экспорти билан шуғулланган объектга медиа-тур ташкил этилди. Шу билан бирга, қатнашчиларнинг касбий малакаларини ошириш мақсадида ОАВ тўғрисидаги қонунчиликка киритилаётган сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасида тегишли соҳа экспертлари иштирокида семинар-тренинг ташкил этилди.

Шунингдек, "City Palace" меҳмонхонасининг анжуманлари залида "Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасида жамоатчилик назоратини ўрнатилганда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида республика анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси мутахассислари, лойиҳа қатнашчилари, марказий босма ва онлайн нашрларнинг вакиллари иштирок этди. Уч кунлик анжуман ўз ишини бугун давом эттиради.

Ўз муҳбиримиз

Болалар спорти

Бугун қайси шаҳар, туман ёки олис қишлоқ ҳудудига борманг, кўркам бинолар қаторида бири-биридан чиройли, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва бошқа шу каби иншоотларга кўзингиз тушади. Уларда минглаб болаларнинг ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланаётгани ҳава-сингизни келтиради.

Зангиота туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2 минг нафардан зиёд ўғил-қиз фарлар бўйича таълим олиш билан бирга, спортнинг бокс, эркин кураш, футбол, сузиш, сувга сакраш, бадий гимнастика, каратэ, волейбол ва баскетбол сингари 12 тури билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, бу ерда миллий спорт турларига қизиқувчи ёшлар учун "Турон" "Ўзбек жанг санъати", "Белбоғли кураш" тўғрақлари ташкил этилган.



Мусобақа ташкилотчиларининг айтишича, бу борда рекордни янгилайдиган атлетга орол сова қилинади. Бу ҳақда Халқаро енгил атлетика федерациялари уюшмаси (IAAF) матбуот хизмати маълум қилди. Амалдаги рекорд финляндиялик Аки Парвийненга тегишли бўлиб, у 1999 йилда найзани 93,09 метрга улоқтирган эди. Ушбу рекорд янгиланса, фолибга Турку архипелагидаги ороллардан бири тўфа этилади. Маълумотларга кўра, гер-

ЗАНГИОТАДА ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЙМОҚДА



– Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилган алоҳида эътибор фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ва маънавий етук бўлиб каломга етишларида муҳим роль ўйнамоқда, – дейди мактаб директори Комилжон Одилов. – Буни тарбияланувчиларимизнинг спорт соҳасида ҳам, фан

олимпиадаларида эришган натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, ушбу мактаб ҳудуддаги болалар ва ўсмирларнинг сеvimли масканига айланган. Мактабда ўз касбининг фидойилари бўлган 45 нафар ўқитувчи ва мураббийлар ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

Бу ерда тарбияланаётган ўқувчи-ёшлар нафақат туман, балки вилоят ва республика, қолаверса, бир қатор халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижаларга эришган. Мисол

учун, Дурдона Турдибекова енгил атлетика бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони бўлиб улгурди, Зокир Мансуров бир неча бор сув спорти, Дилшода Юсупова эса ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича республика ва халқаро мусобақалар фолибга айланган. Улар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Маълум қилишларича, ушбу 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ва

янги инвентарлар билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларни бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишига мустаҳкам замин яратади. Энг асосийси, болалар ўртасида спорт янада оммалашади. Бу эса, юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

УМИДАНИНГ УМИДЛАРИ КАТТА

Янгийўл туманидаги 9-умумтаълим мактабининг ёшлар иттифоқи етакчиси Жамила Раҳимова раҳбарлигида ўтказилган "Балли, қизлар" беллашувида янграган ҳар бир шеър, кўшиқ, саҳна кўриниши кўклам тараннумига бағишланди.

Беллашув

7-, 10-синф қизлари ўртасида ўтказилган беллашув қатнашчилари танловнинг олти шартин – шеърхонлик, ўлка тарихи, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақидаги билимлари, актёрлик, хонандалик ҳамда пазандалик бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Танловнинг барча шартларини аъло даражада бажарган 8-синф ўқувчиси Умида Курбонова ғолиб деб топилди.

С. ИКРОМОВА
Д. АҲМАД
олган сурат

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
18 170 нусхада чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ